



# Жалқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажиги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2008 йил 14 май, № 95 (4505)

Чоршанба

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 13 май куни Оқсаройда Индонезия Республикаси ташқи ишлар вазири Хасан Вираюдани қабул қилди.



— Ташрифингизга ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга интилиш ва қизиқиш муштарак эканининг яна бир ифодаси сифатида қараймиз, — деди мамла-

катимиз раҳбари. — Ўзбекистон ва Индонезия ўртасида узок масофа бўлишига қарамай, бизни тарихий ва маънавий яқинлик, ягона дин бирлаштириб туради.

Индонезия Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин Президент Ислам Каримов ташриф буюрган дастлабки хорижий давлатлардандир. Ушбу

ташриф асосида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Икки мамлакат ташқи сибсат маҳкамалари ўртасида мунтазам маслаҳатлашувлар йўлга қўйилгани ўзаро ҳамкорликка оид, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имкон яратмоқда.

Индонезия Ўзбекистоннинг Жануби-Шарқий Осиёдаги муҳим иқтисодий шерикларидан. Юртимизда индонезиялик сармоядорлар билан биргаликда тузилган "Uzbekistan International" (телекоммуникация соҳасида маркетинг хизмати), "PT Hikmah Albro" (мехмонхона хизмати) каби корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Табиий ресурслар борасида Индонезия ҳам Ўзбекистон сингари катта имкониятлар ва тажрибага эга. Ушбу мамлакатда нефть, табиий газ, кўмир, қалай, мис, никель, олтин қазиб олинади. Шунинг билан бирга, айтиш мумкинки, табиий бойликларни ўзлаштириш соҳасида Ўзбекистон-Индонезия ҳамкорлигининг истиқболи порлоқ.

Индонезия халқи Ўзбекистондаги тарихий обидаларга улкан қизиқиш билан, буюк аждодларимиз қолдирган бебаҳо меросга катта ҳурмат билан қарайди. Айни пайтда халқларимиз

ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш ва янги мазмун билан бойитишга "Ўзбекистон-Индонезия" дўстлик жамияти муносиб ҳисса қўшмоқда. 1997 йилда Самарқанд ва Банданг-Ачех шаҳарлари ўртасида Биродарлик алоқалари ўрнатиш тўғрисидаги ҳужжат имзоланган. 2001 йилдан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида Индонезиядаги умуммиллий тил — баҳаса индонезия тилини ўрганиш маркази фаолият кўрсатмоқда.

Х. Вираюданининг ташрифи асосида икки томонлама ҳамкорлик бўйича қўшма комиссия тузиш тўғрисидаги ҳукуматлараро меморандум имзолангани Ўзбекистон ва Индонезия барча соҳаларда ўзаро алоқаларни янги босқичга кўтариш тарафдори эканидан далолатдор.

Индонезия Республикаси ташқи ишлар вазири самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Индонезия Ўзбекистон билан ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор эканини алоҳида таъкидлади.

Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(Ў.А.)

Абдувоҳид Тўраев олган сурат.

Мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Корея Республикаси Бош вазири Хан Син Су 13 май куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Самарқанд шаҳрига келди.

## КОРЕЯ БОШ ВАЗИРИ САМАРҚАНДА

Мехмонлар Гўри Амир макбарасини зиёрат қилиб, Соҳибқирон хотирасига ҳурмат баҳо келтирдилар.

Регистон мажмуидаги тарихий обидалар ва бу ерда намоиш этилган миллий ҳунармандлик буюмлари кўргазмаси кореялик мехмонларда катта таассурот қолдирди. Улар Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида аждодларимизнинг буюк маданий ва маънавий меросини асраб-авайлаш ҳамда келгуси авлодларга етказиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишларга юксак баҳо бердилар.

— Самарқанд дунёнинг энг

қадим ва гўзал шаҳарларидан бири эканлигига бугун яна бир бор амин бўлди, — деди Корея Республикаси ташқи ишлар ва савдо вазирининг биринчи ўринбосари Квонг Жонг Нак. — Бу ердаги тарихий обидалар ва маданий меросни асл ҳолича сақлаш бўйича қилинган ишлар таҳсинга сазовор. Ўзбекистон халқининг меҳмондўстлиги ва аҳуллигига ҳавасимиз келди. Бундай халқ, албатта, буюк ишларга қодир.

Мехмонлар Улугбек расадхонаси ва "Афросиёб" музейида ҳам бўлдилар.

Ф. ҲАСАНОВ, Ў.А. муҳбири.

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида АДВОКАТЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг янги фармонларидан келиб чиқадиган вазифаларни аниқлаб олишмоқда.

Қуйи палатанинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикасида адвокат фаолиятини янада ислоҳ қилишни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда истиқлол йилларида адвокатура институти тубдан қайта қирилди, пиروвардлик, адвокатларнинг жамиятдаги ўрни, нуфузи сезиларли даражада ошди. Бунда, албатта, мазкур фаолиятнинг ҳуқуқий асослари яратилгани муҳим роль ўйнамоқда. Чунки, "Адвокатура тўғрисида"ги ва "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари адвокатуранинг ривожланишида, тергов ва суд ишларини юритишнинг ҳар бир босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини кафолатлашда, фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга кўрсатилаётган юридик ёрдамнинг самарали бўлишида катта аҳамият касб этаётди.

Шу билан бирга, адвокатуранинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Юрбошқимизнинг яқинда матбуотда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасида адвокатура институти янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони шу жиҳатдан алоҳида диққатга сазовордир. Давра суҳбати иштирокчилари яқин таъкидланганидек, мамлакатда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларини чуқурлаштиришда, адвокатуранинг таъминоти мустақиллигини таъминлашда, уни юқори малакали кадрлар билан тўлдираришда, адвокатлик касбининг обрўси ва нуфузини оширишда мазкур Фармоннинг аҳамияти катта. Унда фуқароларнинг тергов ва суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини кафолатлаш борасида келгусида амалга оширилажак ислохотларнинг асосий йўналишлари аниқ белгилаб берилган.

Давра суҳбати иштирокчилари Фармон ижроси юзасидан олиб бориладиган ишлар ва адвокатура фаолияти билан боғлиқ қонунларга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳалари ҳақида ҳам фикр алмашдилар, қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлашда яқиндан ҳамкорлик қилиш бўйича ўзаро келишиб олинди.

## БОЛАЛАРГА ФАМХҲҮРЛИК — КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан ташкил этилган анжуман эса яқинда матбуотда эълон қилинган яна бир муҳим ҳужжат — Президентимизнинг "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармониди белгиланган вазифаларга бағишланди. "Бола ҳуқуқлари кафолати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва уни амалга ошириш механизми" деб номланган мазкур анжуманда инсон ҳуқуқларининг таркибий қисми бўлиши бола ҳуқуқлари ва уларнинг ҳимояси хусусида сўз берди.

Таъкидлаш лозимки, болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш истиқлол йилларида муҳим давлат ишга айланди. Оналлик ва болаликни муҳофаза қилишга доир давлат дастурлари, тегишли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Умуман, жамиятда бола тарбияси, унинг қиёмли инсон бўлиб вояга етиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Жорий йил бола ҳуқуқлари ва уларнинг кафолатлари тўғрисидаги Қонун қучга кирди, яқиндагина Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги конвенция (Женева, 1973 йил 26 июнь) ва Болалар

меҳнатининг энг оғир шакллари тасдиқлаш ва йўқ қилишга доир шоялининг чоралар тўғрисидаги Конвенция (Женева, 1999 йил 17 июнь) ратификация қилинди. Буларнинг барчаси халқаро ҳамжамият томонидан ҳам эътироф этилмоқда. — Ўзбекистонда болаларни ҳар томонлама ҳимоялашнинг тегишли ҳуқуқий асослари ва аниқ механизмлари яратилганини қайд этишимиз лозим, — деди тадбирда сўз олган ЮНИСЕФнинг Болаларни ҳимоя қилиш дастури халқаро маслаҳатчиси Шима Баркин. — Чунки давлат, авваламбор, боланинг оилада камол топишини рағбатлантиришда, қолаверса, бола тарбияси учун энг муҳим ва мақбул шароитларни яратиш бермоқда. Тадбирда сўз олган мутасадди муассасалар — халқ таълими, соғлиқни сақлаш, прокуратура тизими, жамоат ташкилотлари вакиллари "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг ижро механизми яратилганини қайд этиб, бу борда ўзаро ҳамкорликни янада қучайтириш лозимлигини таъкидладилар. Эеро, бола тарбияси учун нафақат давлат, балки оила, маҳалла, бутун жамият масъулдир.

Қ. ХИДИРОВ.

## УЗЛУКСИЗ СПОРТ ҲАРАКАТИ:

# СУРАТ ВА СИЙРАТ

### Бош ғоя ва асосий мақсад

Мустақиллик — улуг нозмат. Эркинлик, ҳуррият — таърифга сиймайди туйғу. Бу буюк тушунчаларни фақат ҳис қилиш мумкин. Тўғрисида, ҳис қилишимиз керак. Шундагина унинг ҳақиқий мазмуни-моҳияти очилади, бўй кўрсатади.

Мустақиллик — ҳар қандай халқнинг тарихидаги энг катта, шонли воқеа. Миллат шэни, қадр-қиммати, юрт тараққийти, эл обрўсининг юксалиши, тенглар ичра тенг бўлиши ҳам унинг истиқлолига бевосита боғлиқ. Бу жараёни ўзинга хош занкирга, бирисиз иккинчисини тасаввур қилиш мушкул бўлган ҳодисага таққослаш ўринлидир.

1991 йилда Ўзбекистоннинг истиқлолга эришиши бизга ана шундай имкониятлар берди, халқимиз ҳаётини, турмуш тарзини тубдан ўзгартирди. Жамиятнинг барча соҳалари ривожланишга юз тутди, биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайдиган, деган давлатларга ҳаётимизнинг устувор шорига айланди. Ва шу эзгу мақсад йўлида ишонч билан давлат оидимлай бошладик.

Юртимизда спортни, жумладан, болалар спортини ривожлантириш сари ташланган дастлабки қадамлар ҳам айнан ҳуррият насимлари эсгандан кейин юз берди.

Унинг тараққийтига мустақиллигимиз бош меймориининг шаҳсан ўзи оқ фотиҳа берди. Бу фикрни илгари сураётганимизнинг бир нечта асосий сабаби бор, албатта. Мамлакатимизда мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб юрт равнаки, Ватан тараққийти, халқ фаровонлигининг таъминлашнинг муҳим шарт шифатида ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлоднинг тарбиялашга катта эътибор берилмоқда. Бу

### «Баркамол авлод» ўйинлари олдида

эзгу мақсадни амалга ошириш учун жисмоний тарбия ва спортни кенг ривожлантириш ишлари давлат сибсати даражасига кўтарилди. 1992 йилнинг январь ойидаёқ Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Қонуни қабул қилиниши фикримизнинг тасдиғи бўла олади.

Эркин ва озода, ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, фақат ўз қучи ва имкониятларига таянмайдиган, Ватан ва халқ манфаати учун бутун борлиғи билан курашадиган инсонларни тарбиялашда жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатининг ўрни ҳамда аҳамияти нақадар беқийс эканлиги мамлакат Президент томонидан аниқ белгилаб берилди.

Бироқ ана шу долзарб вазифани бажариш учун, аввало, ўқувчи ёшларда катта иштиёқ, қизиқиш уйғотиш орқали уллати спортга узлуқсиз жалб қила оладиган, мил-

(Давоми 2-бетда).

## НЕФТЬ-ГАЗ САНОАТИНИНГ САЛОҲИЯТИ

Кеча пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да "Ўзбекистон нефть ва газ — OGU-2008" 12- халқаро кўргазмаси иш бошлади. У "Ўзбекнефтгаз" миллий илтифат компанияси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, республика Савдо-санаят палатаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги расмий кўмағида «TE Uzbekistan» кўргазма компанияси томонидан ташкил этилди.


### Халқаро кўргазма

Кўргазманинг очилиш маросимида Президентимиз раҳнамолигида бошқа соҳалар қаторида нефть-газ тармоғида ҳам изчил ислохотлар олиб борилаётгани ўз самарасини бераётгани таъкидлаб ўтилди. Мисол учун, 2007 йилда "Ўзбекнефтгаз" МХК таркибидagi корхоналар томонидан 3,2 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиди. Соф фойда ҳамки 1,2 триллион сўмга етиб, экспортдан 1,9 млрд. доллар микдорда даромад олинди.

Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, фазол геология-қидирув ишларини олиб бориш натижасида Бухоро, Хива, Фарғона ва Сурхондарё минтақаларида

50 та қудуқ қазилиб, 8 та газ конденсати ва нефть қони очилди. Хорижий сармоядорлар билан йўлга қўйилган тенг манфаатли ҳамкорлик ҳам ўз самарасини бермоқда. Хусусан, улар иштирокида 8 та истиқ-қобли лойиҳани амалга ошириш учун 565 млн. АҚШ долларидан зиёд тўғридан-тўғри сармоя йўналирилди. Бу 2006 йилдаги кўрсаткичдан икки баробар кўтирди.

Маълумотларга қараганда, Марказий Осиё минтақасидаги газ конденсати захирасининг 75 фоизи, нефтининг 31 фоизи, табиий газ захирасининг 40 фоизи мамлакатимиз уллушига



тўғри келади. Давлатимиз раҳбарияти томонидан ана шу ресурслардан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб, улар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Кўргазма ташкилотчиларининг маълум қилишича, бу галги тадбир аввалгиларига нисбатан ҳам географик, ҳам маҳсулотлар ҳажми жиҳатидан анча

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКISTON — ИНДОНЕЗИЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

Тошкентда 13 май куни Ўзбекистон ва Индонезия ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Унда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, банк-молия, ёқилғи-энергетика, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, сайёҳлик ҳамда телекоммуникациялар соҳалари учун маъсул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Савдо-санаят палатаси раиси А. Шайхов, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг биринчи ўринбосари Н. Нахимов Ўзбекистон ва Индонезия давлат раҳбарларининг уршушларидида эришилган келишувлар мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Форумда индонезиялик ишбилармонларга мамлакатимиз иқтисодиётига инвестиция жалб қилишнинг устувор йўналишлари ҳақида маълумот берилди. Мехмонлар юртимизда давом этаятган кенг қўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизда из-

чиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар билан танишилди.

Индонезия Республикаси ташқи ишлар вазири Хасан Вираюда Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда иш юритиш учун қулай сармоявий муҳит, зарур шароит ва имтиёзлар яратилганини алоҳида таъкидлади.

— Индонезия Ўзбекистон билан ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратмоқда, — деди Хасан Вираюда. — Биз, айникса, савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни кенгайтиришдан манфаатдоримиз.

(Давоми 2-бетда).

Маҳалла — азалдан халқимизнинг мустаҳкам кўргони бўлиб келган. Унинг тақдирини юртимиз тақдирини билан...

ОБОД МАҲАЛЛА ФАЙЗИ

Кейинги йилларда мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби, вилоят маҳалла тизими фаолиятида ҳам асосий эътибор аҳоли осойишталигини таъминлаш...

Кучли давлатдан — кучли жамият сари

маблағ сарфланди. Бундай тадбирлар ҳозирда ҳам давом эттириляпти. Демократизм, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш...

келаётди. Саховатпеша инсоник қўмағида эса бу борадаги тадбирлар кўлами кенгайиб...

шаҳри, 10-сон маҳалласида истиқомат қилаётган тадбиркор Арслон Исмоилов, бир неча йилдирки, эҳтиётиманд киши...

мақомада. Натижада хайр-саховат ишларининг янги қўрилишлари юзга келмоқда. Масалан, шифокорлар тавсияси билан...

коммунал тўловларини тўлашда қўмақлашиб келмоқда. Хивалик тадбиркор Собиржон Ҳасанов кам таъминланган оилаларнинг...

ган хайрли ишларни санаб адоғи етиш қийин.

Энди бунёдкорлик юмушларига тўхталасан. Янгибозор туманида «Маҳалла» жамғармаси туман бўлими маблағи ҳисобидан...

Яна бир гап. Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан бўш турган бинолар таъмирланиб, спорт заллари, маҳалла гузарларига...

Мухтасар қилиб айтганда, маҳаллалардаги ислохотлар ҳар бир маҳаллада янгилиниш, ўзгариш, ободончилик юз бермоқда.

Рустам ҚУТЛИМУРОДОВ, «Маҳалла» жамғармаси Хоразм вилояти бўлими раиси.

Таиландлик журналистлар: «ЎЗБЕКИСТОН БИЗНИ МАФТУН ЭТДИ»

Бир неча кун давомида юртимизда таиландлик журналистлар делегацияси меҳмон бўлди. Сафар давомида бешта телекомпания ҳамда иккита газета вакиллари мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти билан яқиндан танишди.

Делегация вакиллари ўз ватанига қайтиши олдидан «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири уларнинг айримлари билан суҳбатда бўлди.

Делегация раҳбари, Таиланд ташқи ишлар вазирининг собиқ маслаҳатчиси, Таиланд Ислон марказининг ташқи алоқалар бўйича президенти Вонгсумит Наронг, жумладан, шундай деди:

— Ўзбекистонда ўз нафосатию улғуворлиги билан оддий лол қолдирувчи аҳолий тарихий ёдгорликлар билан танишиш бахтига муюссар бўлдим. Афсуски, таиландликлар бу бетакор замин тўғрисида етарлича ахборотга эга эмас.

Сизга маълум, Таиландда ислом динига эътиқод қилувчилар сони анча кўп. Ҳар йили 20 минг нафар таиландлик Ҳаж ва Умра амалларини адо этиш учун Макка ҳамда Мадинага зиёрат қилади.

Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент — ноёб ислом обидалари ва муқаддас қадимжолар жойлашган тарихий шаҳарлардир. Уларни зиёрат қилиш ҳар бир мусулмон учун шараф.

Бундан ташқари, юртингизда нафақат Таиланд, балки бошқа мамлакатлардан келган сайёҳларни ҳам ўзимга халқ эталган насронийлик, буддвийлик ва ҳудудийлик динларининг ёдгорликлари маъжмуини ҳам яхши биламиз.

Сафаримиз чоғида Ўзбекистондаги сайёҳлик инфратузилмаси юқори даражада эканига амин бўлдим. Бу ердаги меҳмонхоналар, рестороанлар, транспорт таъминоти, юқори малакали кадрлар, хизмат кўрсатиш тизими — барчаси жаҳон андозалари даражасидадир.

Бобур СОБИРОВ, «Жаҳон» АА.

ЎЗБЕКИСТОН — ИНДОНЕЗИЯ БИЗНЕС — ФОРУМИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистондан Индонезияга пластмасса ва пластмасса буюмлар, пахта толаси, мева-сабзавот каби маҳсулотлар экспорт қилинади.

Форумда ўзаро савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлиги, банк-молия тизими, энергетика ва минерал ресурслар, телекоммуникациялар ҳамда сайёҳлик соҳаларидаги алоқаларни янада ривожлантиришга, Индонезия компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг ҳаётлиги оид масалалар муҳокама қилинди.

Анжуманда Индонезиянинг ўнга яқин компаниясидан вакиллар иштирок этди. Хусусан, «Pacific Global Oil Company», «Pertamina (нефть-газ)», «Istana Karang Laut Company» (технологик ускуналар), «PT Bank Muamalat Indonesia» (банк-молия) каби компаниялар Ўзбекистон бозоридagi ўз фаолиятини кенгайтириш ниятида эканлиги қайд этилди.

Бизнес-форум якунида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Индонезия ишбилармон доиралари вакиллари оиди кооперация биржаси бўлиб ўтди. Унда икки мамлакат ишбилармонлари кўлаб соҳаларда ҳамкорлигини йўлга қўйишга келишиб олдилар.

Нодир МАНЗУРОВА, ЎЗА мухбири.

ФЕРМЕР АЁЛЛАР ЙИГИЛИШИ

Пойтахтимизда қишлоқ ҳўжалигида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида хотин-қизларнинг фаолигини ошириш ва фермерлигини ривожлантириш масалаларига бағишланган форум бўлиб ўтди.

Фермер аёллар, хотин-қизлар ташкилотлари фаоллари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этган ушбу тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий фаолигини ошириш, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.


Бошқа соҳаларда бўлгани каби, аграр тармоқда ҳам мингглаб хотин-қизлар меҳнат қилади.

Форумда фермер ва тадбиркор аёлларнинг билим ва малакасини ошириш учун зарур дастурлар яратиб, жумладан, махсус кредит дастурлари лойиҳасини ишлаб чиқариш каби масалалар юзасидан тақлифлар билдирилди. Фермер ҳўжаликларига сервиси хизмати кўрсатиб келаётган ҳамкорликни таъкидлаш билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга оид режа ишлаб чиқилди.

Форумда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси С. Иномова иштирок этди.

Сайёра ШОБВА, ЎЗА мухбири.

НЕФТЬ-ГАЗ САНОАТИНИНГ САЛОҲИЯТИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

яқин мамлакатдан 180 дан зиёд компания ўз маҳсулот намуналари ва хизмат кўрсатиш турлари билан иштирок этмоқда. Хусусан, нефть-газ санаяти дунёга машҳур Россия Федерациясидagi «Лукойл», «Газпром», «Зарубежнефть»,

Европа ва Осиё мамлакатларидаги «GGG Veritas» (Франция), «Euro Flex Inc.» (Буюк Британия), «Petronas» (Малайзия) сингари етакчи компанияларнинг иштирок этганини кўрганимизнинг нуфузи йил сайини ортиб бораётганидан дарек беради.

«OGU-2008» павилонларида намойиш этилаётган маҳсулотларнинг ранг-баранглиги, айниқса, унинг иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

насос ҳамда компрессорлар, чикиндиларни қайта ишлаш, кўйинги, соҳага дахлдор барча зарур жиҳоз ва технологияларни ўқатиш мумкин.

Кўргазманинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, тадбир доирасида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон ва Марказий Осиёда нефть-газ-кимё ишлаб чиқаришини ривожлантириш маърузидаги конференцияда 500 га яқин соҳа мутахассиси иштирок этди.

Унинг кун тартибига эса мамлакатимиздаги нефть-газ конларидан фойдаланиш, катта нефть-газ захираларига эга бўлган минтақаларни ривожлантириш, транспорт йўналишларини такомиллаштириш, инвестиция истиқболлари, атроф-муҳит муҳофазаси каби масалалар киритилган.

Иштирокчилардан бири — Украинанинг «Зоря»-«Машпро-ект» илмий-ишлаб чиқариш биришмаси вакили Игорь Огородников кўргазма хусусида шундай деди:

— Бирлашмаимиз нефть ва газ корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш билан шуғулланамиз. Ўзбекистонда мазкур йўналишда кенг

Украинанинг «Зоря»-«Машпро-ект» илмий-ишлаб чиқариш биришмаси вакили Игорь Огородников кўргазма хусусида шундай деди.

Синдолом ХАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТЛАРДА: Кўргазмалардан лавҳалар.

Тўғур КУРБОНОВЕВ олган суратлар.

Хар бир бўғиннинг алоҳида тўғалганлиги ва ўзаро уйғунлиги

(Давоми. Боши 1-бетда).

Жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга, ёшларимизнинг дунёда ҳеч қандам кам бўлмағилига қаратилган мазкур анжуманларнинг савияси йилдан-йилга кўтарилиб, мусобақаларни халқаро андозалар даражасида ўтказишнинг маънавий-маърифий, ташкилий-техник жиҳатлари тобора такомиллашиб бораётгани, айниқса, эътиборга молик. Бу ўйинлар том маънодаги жисмоний куч, маънавий салоҳият ва имкониятлар синови, ёшлик ва гўзаллик, спорт ва нафосат байрамига айлангани барчамизни қувонтиради.

Дунё мамлакатларида ўқувчи ва уйғунлиги ва айни пайтда алоҳида тўғалган жараён эканлиги таъминоти ҳам ўз-ўзидан очилиб боради.

Хўш, узлуксиз спорт ҳаракати модели нега пастки бўлган — «Умид нихолари»дан ёки ўрта босқич — «Баркамол авлод»дан эмас, айнан юқоридан, кўпчилик мутахассислар учун қўйилмаган ҳолда, таъбир жоиз бўлса, «тескари механизм» шаклида «Универсиада»дан бошлаб амалга киритилди?

Бунинг бош сабаби — авваламбор, Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос, ҳеч қиминкидан нуска қўйилмаган, балки ҳаётини эҳтиж боис яратиш билан истиқлол ва истиқбол йўлини аниқлаш шундай табиқий ҳаётининг талаби бўлган. Бундан ташқари табиқий спорт илк бор мактабда ўқувчининг кундалик эҳтиёжига айланса, академик лицей ва касб-хўнаҳар коллежларида ёшларнинг доимий ҳамроҳи бўлиб қолди. Университет ва институтларда эса талабалар ушбу тизим орқали нуфузли халқаро майдонларга йўл очмоқда, юракда, қалбда алангаланган шад билан юрт шаънини ҳимоя қилаётди.

Савол тўғрисида: ҳар қандай жамиятда бирор янги жараёнга асос солинаётганда фалсафа фанлари кўп ишлатилганда оқдидан мурқабкага, пастанда юқорига, деган категориялар, қоида-тартибларга

УЗЛУКСИЗ СПОРТ ҲАРАКАТИ:

СУРАТ ВА СИЙРАТ

дасидан бошланди? Назаримда, бу саволга жавоб бериш асосида биз қайта-қайта тилга олаётган уч босқичнинг ўзаро уйғунлиги ва айни пайтда алоҳида тўғалган жараён эканлиги таъминоти ҳам ўз-ўзидан очилиб боради.

Хўш, узлуксиз спорт ҳаракати модели нега пастки бўлган — «Умид нихолари»дан ёки ўрта босқич — «Баркамол авлод»дан эмас, айнан юқоридан, кўпчилик мутахассислар учун қўйилмаган ҳолда, таъбир жоиз бўлса, «тескари механизм» шаклида «Универсиада»дан бошлаб амалга киритилди?

Бунинг бош сабаби — авваламбор, Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос, ҳеч қиминкидан нуска қўйилмаган, балки ҳаётини эҳтиж боис яратиш билан истиқлол ва истиқбол йўлини аниқлаш шундай табиқий ҳаётининг талаби бўлган. Бундан ташқари табиқий спорт илк бор мактабда ўқувчининг кундалик эҳтиёжига айланса, академик лицей ва касб-хўнаҳар коллежларида ёшларнинг доимий ҳамроҳи бўлиб қолди. Университет ва институтларда эса талабалар ушбу тизим орқали нуфузли халқаро майдонларга йўл очмоқда, юракда, қалбда алангаланган шад билан юрт шаънини ҳимоя қилаётди.

Савол тўғрисида: ҳар қандай жамиятда бирор янги жараёнга асос солинаётганда фалсафа фанлари кўп ишлатилганда оқдидан мурқабкага, пастанда юқорига, деган категориялар, қоида-тартибларга

саласи очиб қолганди. Модомики, дунё тизимини яратиш қанчалик мураккаб кечган бўлсин, уни амалга киритиш ўн чандон қўйинлиги маълум эди.

Агар фалсафий тамойилларга амал қилмас, деб бу мушкул ишни энг қулай бугун — бошланғич синф ўқувчиларидан бошлаганимизда, янада кўпроқ ва каттароқ муаммоларга дуч келардик. Зеро, ҳали

спорт майдонлари ва заллари ҳали талабга жавоб бермасди.

Туртинчидан, соҳа мутахассислари тамомилан янги ҳаракатни даставвал сунги қотган, катта-кичи беллашувларда қатнашиб, озми-кўпми тажриба орттирган талабалар иштирокчида ўтказиш ҳар томонлама тўри бўлади, деган ҳам сизга асосли бўлади. Шунда ҳам сизга асосли бўлади. Шунда ҳам сизга асосли бўлади.

Бешинчидан, олий ўқув юрталарининг спорт мажмуалари қайси-дир маънода ихчамроқ тадбирларни маромида ўтказиш имконини беради.

Синв амалиёти деганимиз 1999 йилда Тошкентдаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида мамлакатимизнинг олий ўқув юрталарида таълим олаётган йигит-қизлар бўлишида спортнинг бир неча тури ўрнатилаётган бўлиши билан боғлиқ.

Ушбу «репетиция» давомида яқин тизимини ҳаётга жорий этиш механизмини амалда тажрибадан ўтказишда, аниқланган кемтиклик-

лар тўлдирилди, камчиликлар тўғриланди. Қисқаси, механизм ана шу «репетиция»дан сўнг янада такомиллаштирилди. Ва катта жараённи оммавий равишда ўтказиш тадорири ниятсизга етказилди.

Энди ана шу тизимнинг ҳар бир бўғини алоҳида тўғалганлигини аниқ далил ва рақамлар бўлмаган асосли бўлади. Уч бўғиннинг ҳар бири яна алоҳида бос-

рий ёрлик, диплом ва қимматбахо эсдалик совғалари билан тақдирланади. Бу маросим катта-кичик-лигидан қатъи назар, тантанали равишда уюштирилади ва унга ўқувчиларнинг ота-оналари, жамоатчилик вакиллари тақлиф этилади, маҳаллий оммавий ахборот воситаларида ёритилади.

«Ўқувчи ёшларни чиниқтириб, иродасини тоблайдиган бу кескин спорт мусобақалари униб-ўсиб келаётган сиз, ёш авлодимизни Ватанини қўриқчи қилишга, уни улғулаш, қудратига қудрат қўшишга, халқаро майдонларда унинг обрў ва нуфузини янада юксалтиришга қодир бўлган инсонлар эътиб тарбиялашга хизмат қилиши, шубҳасиз».

Умуманан узлуксиз спорт ҳаракатининг ташаббускори, Президент Ислам Каримовнинг уч босқичли тизим спорт ўйинлари иштирокчиларига ҳар сафар йўллайдиган табриқидан ана шундай салмоқли, айни пайтда самимий фикрлар, ният ва тилалар ўрин олиши қатнашчиларни янада руҳлантиради, фақат олдига интилишга, қийинчиликларни сабот билан енгиб ўтишга чорлайди. Бу дил номаларининг ҳар саатрида қувшиш юртинги 4 миллиондан зиёд ўқувчини қамраб олади.

Туман босқичи. Ундаги беллашувлар «Умид нихолари»даги алоҳида тўғалганлиги эътибор қаратайлик.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган мактаблар тарма жамоалари ўртасида уюштирилди. Иккинчи босқичда 1,5 миллиондан зиёд ўқувчи қатнашади.

Вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри) босқичи. Ушбу босқич туман (шаҳар) тарма жамоалари ўртасида ташкил этилади ва 40 мингга яқин йўл-қизлар иштирок этди.

Республика Финал босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида таълим олаётган мусобақаларда фарқ қўлган ғолиблар орасидан сараланган ўқувчилар ҳар бир спорт тури бўйича тарма жамоа сифатида бош соврин учун кураш олиб боради. Якуний босқичда ўртача 2500 нафар ўқувчи қатнашиш имконига эга бўлади.

Ушбу босқичларнинг ҳаммаси ўзига хос байрам тарзида ташкил этилади. Ҳеч қим эътибордан четда қолмайди. Мактаб босқичида ғолиб бўлган ўқувчилар ҳам фах-



амалга ошириш механизми тажрибадан ўтмаган янги ҳаракатни бошланғич иштирокчида синовдан ўтказиш — «Умид нихолари»га таянган табиқий ҳаётининг талаби бўлган. Бундан ташқари табиқий спорт илк бор мактабда ўқувчининг кундалик эҳтиёжига айланса, академик лицей ва касб-хўнаҳар коллежларида ёшларнинг доимий ҳамроҳи бўлиб қолди. Университет ва институтларда эса талабалар ушбу тизим орқали нуфузли халқаро майдонларга йўл очмоқда, юракда, қалбда алангаланган шад билан юрт шаънини ҳимоя қилаётди.

амалга ошириш механизми тажрибадан ўтмаган янги ҳаракатни бошланғич иштирокчида синовдан ўтказиш — «Умид нихолари»га таянган табиқий ҳаётининг талаби бўлган. Бундан ташқари табиқий спорт илк бор мактабда ўқувчининг кундалик эҳтиёжига айланса, академик лицей ва касб-хўнаҳар коллежларида ёшларнинг доимий ҳамроҳи бўлиб қолди. Университет ва институтларда эса талабалар ушбу тизим орқали нуфузли халқаро майдонларга йўл очмоқда, юракда, қалбда алангаланган шад билан юрт шаънини ҳимоя қилаётди.

Иккинчидан, узлуксиз спорт ҳаракатининг илк бўғини саналган «Умид нихолари»нинг ўзи турт босқичга бўлинади. Унинг биринчи босқичида 4 миллиондан зиёд ўқувчи қатнашади. Бу мусобақалар — Умуманан узлуксиз спорт ҳаракати моделини амалга киритиш олдидан муҳим репетиция сифатида тарих саҳифаларидан жой олгани билан аҳамиятлидир.

Ушбу «репетиция» давомида яқин тизимини ҳаётга жорий этиш механизмини амалда тажрибадан ўтказишда, аниқланган кемтиклик-

лар тўлдирилди, камчиликлар тўғриланди. Қисқаси, механизм ана шу «репетиция»дан сўнг янада такомиллаштирилди. Ва катта жараённи оммавий равишда ўтказиш тадорири ниятсизга етказилди.

Энди ана шу тизимнинг ҳар бир бўғини алоҳида тўғалганлигини аниқ далил ва рақамлар бўлмаган асосли бўлади. Уч бўғиннинг ҳар бири яна алоҳида бос-



# ЭНГ ГУЛЛАГАН

“Биз бугун ҳаётга кириб келадиган навқирон ўғил-қизларимизнинг очик чеҳрасига, ақл-заковати, ҳаракат ва интилишларига боқиб, уларнинг юртимизда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган янги ҳаёт, янги жамият қуришга қодир эканига ишонч ҳосил қиламиз”.

# ЭНГ ГУЛЛАГАН ТУМАН ЧОҒИМДА

“Ёшлиқда олинган билим тошга ўйилган нақш кабирди” деган нақл бор. Истиқлол туфайли юзга келган шарт-шароит, беқийс имкониятлардан оқилона фойдаланаётган навқирон авлоднинг кўриб, бу ҳикмат бежиз эмаслигига амин бўласан, киши. Зеро, бугунги йигит-қизлар фақат ўқиб-ўрганиш билан чекланиб қолмадан, балки олган сабоқларини

амалиётга ҳам татбиқ этаёттирлар. Бунинг самараси ўларок, ҳоҳ илм-фанда, ҳоҳ ишлаб чиқариш тadbиркорлик соҳасида бўлсин, ёшларнинг янгича дунёқараши, шижоати, интилиши ва ўзига хос ёндашувига гувоҳ бўлиш мумкин. “Энг гуллаган ёшлик чоғида” деб номланган саҳифамизнинг бугунги сониди ҳам ана шундай ғайратли ва оқил йигит-қизлар эришаётган ютуқлар ҳақида ҳикоя қиламиз.

### Боқий қадрият

### «АСРЛАР САДОСИ» СОВРИНДОРИ

Бошидаги ироқи дўпписи ой юзига янада чирой бағишлаган мана бу қиз — Дилафрўз Чориева асли деҳқонobodлик. Миллий қадриятларимиз намойиши бўлмиш “Асрлар садоси” фестивалида у совриндор бўлди. Келгусида момолардан мерос чеварчилик хунарини янада ривожлантириб, бебаҳо меросимизни жаҳонга танитишни ният қилади у...

Рустам ШАҒАЕВ (ЎЗА) олган сурат.



### Ворислик масъулияти

Ота-онаси ҳам зиёли бўлганлари учун фарзандининг қизиқишларига бефарқ қарашмади, орзулари рўёбга чиқишига ёрданлаштирди. Шоҳруҳ Далиев пойтахтимиздаги 50-сонли гимназия мактабини муваффақиятли тамомлаб, 2002 йилда Ўзбекистон Миллий университетининг физика факультетига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинди. Шу вақтдан бошлаб у илмий ишга, тадқиқотга қўл урди. 3-курсда аъло баҳолаб ўқигани ва жамоат ишларида фаоллиги учун Мирзо Улугбек номидаги Давлат стипендияси совриндори бўлди. Шундан сўнг у “Яримўтказгичлар физикаси” соҳасида профессор Сергей Власов раҳбарлигида бир қатор илмий тадқиқотлари амалга оширди. Ушунда Сер-

гей Игоревич физика фани дунёга буюк олимларни бергани, шу соҳада чуқурроқ ўқиб-ўрганиши кераклигини бот-бот таъкидлаши ёш олимга янада куч-ғайрат ва шижоат бағишлади. 2006 йилда Давлат илмий-техника дастурлари бўйича 2006-2008 йиллар учун эълон қилинган танловда ғолиб бўлган Шоҳруҳ Далиев — ҳозирда Ўзбекистон Миллий университети магистри. Президент стипендияси учун ўтказилган танловда ғолиб бўлгани уни жуда қувонтирди. — Бугун мамлакатимизда ёшларга қўрсатилаётган ҳам-хўрлик ва рағбатлар бизни янги донлар, юксак марралар сари етаклайди, — дейди Шоҳруҳ Далиев. — Ёш бўлишимга қарамай, чет давлатлардаги илмий-амалий анжу-

Шоҳруҳ болалиқдан билим олишга интилиди, айниқса, физика фанини қизиқиб ўрганди.

### Изланиш

манларда иштирок этдим, маърузаларим юқори баҳолангани мени ғоят руҳлантирди. Хайтининг ҳар лаҳзасини ғанимат санаб, матонат ила илм эгаллашга қўнланган Шоҳруҳнинг олий мақсади — камолотга эришиш, ўз соҳасининг билимдони бўлиш ва фан тараққиёти билан жаҳонни лоз қолдирган буюк боболаримиз сингари из қолдиришдир.

Улугбек БУТАЕВ, ЎЗМУ талабаси.

Авжи гуллаб-яшнаган ўн етти ёшдаман. Спорт билан шуғулланаётганимга, мана, беш йил бўлди. Шу вақт ичда буткул ўзгардим. Спорт, хусусан, каратэ ҳаётим мазмунинга айланди. Фалаба қозониш истаги билан яшаб, жисмонан ва руҳан ўзингни кучли ҳис эттиш — иродатни ҳар жиҳатдан тобларкан. Шунчаки яшамангизнинг, ҳаётда нимагадир эришишинг мумкинлигини ўйлаб, қалбинг доимо орау-умидларга тўла бўлар экан.

### Туйғу

устидан чиқиб, меҳрибонимга қанчалар қувонч ҳада этишини тасаввур этдим. Яхши эслаيمان, чемпионлик учун баҳсларда, айниқса, россиялик ва венецуэлик кучли рақибларим билан курашаётган маҳалда кўз олдимда фақат онам ва волидамдек азиз Ўзбекистон турарди. Илк бор эришилган ютуқ қадри бўлиб қоларкан, келажакда янада юксак марралар сари қадам қўйишга ундаркан. Келгусида юртимиз байроғи баланд ҳилдиришга мен ҳам ўз ҳиссамни қўшсам дейман. Токи, онам ва халқ меҳрини ҳис этиб турарканман, бу истак ҳеч қачон бўлмайдими!



Мушоира

### ВАПААН

Тоza туйғуларим ўтқинчи эмас, Келажакка айтар сўзларим ҳалол. Умримни йўлингга сочмасам бўлмас, Сенга таъзим қилиш келмайдими малол.

Тўксам, томчиларим адо бўлмайдими, Буюк ғамларимга берганим йўқ тан. Тангиримдан бошқаси еча олмайдими, Белимга бойлаган белбоғим - Ватан.

Бехзод ФАЗЛИДДИН.

### БАХТИЁРЛИК

Шу тўрт девор хона — менинг Ватаним, Ташқарида не бор — бари муҳожир. Кеча усти юпун чиқиб кетган бахт Келиб эшигимни қоқди. Мен очдим.

Ҳовлиқанча ўзин тўрға отди бахт, Тура олмай қолди битта жойда тек. Бахт бечора эжда бахтиёр эди, Худди Ватанига қайтган одамдек.

Муҳиддин АБДУСАМАД.

### Коинотга ошуфтаман

Дадам ишлайдиган техник ижодиёт марказидаги космик моделлаштириш тўрагага қатнашини бошлангич синфда ўқитган чоғимдан оқиб қилган эдим. Бу ерда самолётдан тортиб мураккаб космик кемаларгача бўлган учуш техникаларининг мўъжаз нусхаларини ясайим. Меҳнатинг маҳсулини кўриш завқи бошқача-да. Хар бир янги моделни охирига етказган пайтима ўзимни худди фазогирдай ҳис этаман.

### Хавас

Бултур фазогирлар маскани Бойқўнғирга бордим. У ерда Осиё қўтаси ёшларининг миллий ва халқаро космик лойиҳалар соҳасидаги билимларини синаб кўриш мақсадида қитъа чемпионати ўтказилди. АҚШ, Россия, Хитой, Словакия, Украина, Беларусь сингари 18 давлатдан келган тенгдошларим билан майдонга тушиб, бешта номинация бўйича амалий ишларимни намойиш этдим. Бешта олтин медаль олдим. Дадам Нажиддин Зайлиддинов катталар ўртасидаги баҳсада иштирок этиб, иккинчи ўрин ҳамда кумуш медалга сазовор бўлди. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари вакиллари билан баҳсга киришган ўша кунларим ҳамон кўз ўнгимда. Эришганларимнинг барчасини юртимизда ёш авлод тарбияси, унинг билим олиши, қизиқиши ва интилишлари рўёбга чиқиши учун етарли шарт-шароитлар яратилгани билан боғлиқман. Аслида ҳам шундай. Масалан, биз, 500 нафардан ортқ ўғил-қизлар шуғулланаётган техник ижодиёт марказидаги компьютер, бошқа электрон техника воситалари ёрдамида энг кичик анлиқини талаб этадиган моделларни ҳам яшас мумкин. Айни пайтда жорий йилнинг ёзида Испанияда космик моделлаштириш бўйича ўтказиладиган халқаро анжуманга тайёргарлик кўрмоқдаман.

Лайло ЗАЙЛИДИНОВА, Чуст туманидаги 3-мактабнинг 8-синф ўқувчиси, космик моделлаштириш бўйича Осиё чемпиони.

### Юксак марралар бизники

2007 йил ҳаётимда чуқур из қолдирди. Токида бўлиб ўтган VIII жаҳон чемпионатида 30 дан ортқ давлатдан юзлаб спортчи қатнашди. Финляндия, Россия, Мексика, Ирландия, Венесуэла каратэчиларини маълумиятга уратдим ва жаҳон чемпиони бўлдим. Ақлимни танибманки, ҳали бунақа ҳаяжонга тушмагандим. Ахир мени аэропортга кузатиб қўётган онам кўзларида ёш билан келгунимча соғиниб қолишини, мендан жавоб олишини айтганида, у кишига жаҳон чемпиони бўлиб қайтишни ваъда қилгандим. Ўша топда ваъдаминг мен ҳам ўз ҳиссамни қўшсам дейман. Токи, онам ва халқ меҳрини ҳис этиб турарканман, бу истак ҳеч қачон бўлмайдими!

Зумрад ТАЪТИНОВА, жаҳон чемпиони.

### «Ҳеч кимдан кам эмасмиз!»

Шу юртда туғилганимдан, навқирон авлодни авайлаб-асраб, иқтидоримизни кўкларга кўтарётган Президентимиз борлигидан ҳамisha фохрланамиз. Бундай эътибор бизни янада кунт билан ўқиб-ўрганишга, юртга муносиб фарзанд бўлишга ундайди. Масалан, Тошкентда бўлиб ўтган кимё фани бўйича 42-Халқаро Менделеев олимпиадасида иштирок этганим ҳам бугунги яратилаётган кулай шарт-шароитлар мевасидир, албатта.

### Дил сўзи

Олимпиаданинг маданий дастурлари доирасида Самарқанд шаҳрига саҳнатимиз чоғида чет элликлар соҳибқирон Амир Темури бобомиз барпо этган қудратли мамлакат тарихи, улғу аждодимизнинг улкан бунёдкорлик ишлари, олим ва мутафаккир Мирзо Улугбек расадхонаси билан танишиб, ўз хайратини яширолмадилар. Бизнинг кўнглимизда эса фахр ва гурури туйғулари жўш урди. Буюк ўтмишимизни ўзимизга қайтарган истиқлол даври фарзанди эканлигимиз учун шукрона айтдик. Шу даъда давлатимиз раҳбарининг “Бизнинг фарзандларимиз ҳеч кимдан кам эмас ва ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмайдими” деган сўзлари қўлогимда жаранглаб тургандек бўлди. Биз, ўзбек ёшларининг жаҳонда алоҳида нуфуз ва маънага эга бўлган шундай беллашувда қатнашганимиз, пойтахтимизнинг халқаро олимпиадада энг юксак даражадаги шароитни ҳозирлаб, мезбонлик қилганлиги, замонавий таълим масканларида илму хунар эгаллаб, бу борда ҳар қандай синовга тайёр етуқ билимли фарзандлар бўлиб камол топаётганимиз бу сўзларнинг амалдаги исботидир!

Анвархўжа МАҚСУДУЖАЕВ, Тошкент пединститутининг таъбиёт факультетининг оқимчи ўқувчиси, кимё фани бўйича 42-Халқаро Менделеев олимпиадасининг олтин медали соҳиб.

“Келажак овози” танловининг бадий ижод йўналиши бўйича илк ғолибларидан бири эканимдан фохрланаман. Бу ютуқ шунчаки рағбат эмас, балки мени янада дадил интилишга ундайди.

### ИМКОНИЯТЛАР МАЙДОНИ КЕНГ

Масалан, Зулфия номидаги Давлат мукофоти номзодлари “Зулфия-хоним қизлари” клуби аъзолигига қабул қилинади. Худди шу каби “Келажак овози” танловининг “Бадий ижод ва публицистика” номинацияси ғолибларининг ижод намуналари ҳам “Келажак юлдузлари” туркумидаги тўпламда чоп этилади.

### Ифтихор

Президентимиз биз, ёшлар ҳақида гапирар эканлар, фарзандларимизга нафақат ишонч билдириш, балки уларга ўзларини амалда намойн этиш учун майдонни кенгайтириш керак, деб таъкидлайдилар. Дарҳақиқат, бизга шундай юксак эътибор қаратилаётган экан, бу ишонч, албатта, оқлашимиз керак. Келажакимиз фаровон бўлиши учун янгича фикр ва ғоялар билан яшашимиз зарур.

Назира БОЙМУРОВА, «Келажак овози» танловини ғолиби.

### Рағбатдан баҳраманд

Наргизани илк бор хунармандлар кўргазмасида учратгандик. Ушунда у ўзи тиккан миллий кийимлари ҳақида хорижий меҳмонларга инглизчалаб тўшунтирарди. Ранг-баранг нақшлари жисмонан, киши эътиборини тортадиган атлас, адрас, бахмалага кўроқ солиб тиккаган аёллар нимчалари, қўйлақларию безак буюмлари чиндан ҳам ўта нозик дид билан яратилган эди.

— Миллий маданиятимиз, қадимий анъаналаримиз, ўзбек элининг тафаккури ва дунёқарашини ифодаловчи бетакор нақшлар ҳамisha мени ўзига жалб этган, — дейди Наргиза Аҳмедова. — Марғилоннинг атласи адреси, Бухорининг зардузи тўнлари, Самарқанд сузана-ларидидаги нақшу норгорлар — буларнинг бари бой ўтмишимиздан дарак бериб турибди. Ниятн шуки, мисли қамалдек товланувчи бежирим либосларимизни бугун жаҳонда хавас қилиб кийишса, момоларимиз қўли гул санъаткор бўлганликларини ҳамма билса, азалий санъатимиз намуналаридан барча баҳраманд бўлса! — Сузана-лардан, одатда, уй бебағи сифатида фойдаланиб келинган, — дейди Наргиза. — Лекин шундай бетакор нақшлар, турфа рангда жилпаланувчи ипак гуллар неча анди

қизларимизга ҳам кўрк бермаслиги керак? Шундай ўйга бориб, кўроқли костюм-юбка, нимча, қўйлақ, устки қалин кийимлар тикдим. Бу кўнчилиқка

### Истеъдод

манзур бўлди. Навбатдаги либослар тўпламининг эса ўзим севган шоира Зулфия ижодида таъсирланиб яратдим. Ёш ижодкор “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамағатимиз раҳаматига ташкил этилган турли танловларда

Ха, Наргизанинг илҳом париси — китоб, шеърят, гўзаллик ва эзулик ҳақидаги баъзлар. Ўзининг айтишича, мутлоа унинг учун янги ғоя, ҳаёлотнинг бетизгин ва бетакор манзаралари эса унга жўшқинлик бахш этар экан. Шу боис у доимо изланади, ўқийди, адабиётга ошно тутинади.

Ойдиной ҲАКИМОВА, ЎЗДЖТУ талабаси.

Халқ сўзи Народное слово МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжасиси

Бош муҳаррир Ҳатир РАҲМАТОВ 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 36374 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғанов ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди. 1 -Тижорат материал

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров. Навбатчи — Д. Солиқов. Мусахҳах — Ш. Машраббоев. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.00 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5 6 7 8